

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР ҚАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ  
МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АСАРЛАРИДА ЖАМИЯТ  
РИВОЖИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ  
МАСАЛАЛАРИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августидаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** **Профессор, ф.ф.д. Ж.Яхшиликов**

**Тақризчи:** **Профессор, ф.ф.д. Б.Тўраев**

*Ўқув -услубий мажмуа минтақавий марказ Илмий-методик кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2017 йил 4 сентябрдаги 5-сонли баённома).*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	14
III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР .....	17
IV. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	95
V. ГЛОССАРИЙ.....	97
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:.....	99

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғояларни билиш муҳим аҳамиятга эга. И.А.Каримовнинг ҳаёт йўли ва қолдирган маънавий мероси ҳар биримиз учун ибрат мактабидир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов жамият ривожи ва таълим-тарбия масаласига янгича ғоя ва қарашлар билан ёндашиб, демократик жамият ривожини таълим ва тарбия масалалари билан боғлиқ эканлигини ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек Вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг замонамизнинг улуғ сиёsatчиси, узоқни кўрадиган ва стратегик фикр юритадиган шахс, дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеа-ходисаларнинг моҳиятини давлатчилик нуқтаи назаридан кўра билиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдири учун улкан масъулият туйғусини чуқур ҳис қиласидиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади.

Ислом Абдуғаниевичга хос бўлган букилмас ирода, фидойилик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимиyлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.<sup>1</sup>

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов ёш авлод таълим-тарбияси ҳақида давлатнинг бош ислоҳатчилик роли тўғрисида тўхталар экан, “Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз – инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир.

Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь. 179 – сон.

биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур” эканлигини қайд этади.

Бинобарин, миллатимиз таълим-тарбияси ривожида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг тутган ўрни алоҳида. Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимизнинг қўп асрлик тарихга эга бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларига ҳамда ҳозирги замон илм-фани, маданияти, техникаси ва технологиясининг сўнгти ютуқларига асосланган жамият хаётига доир ғоя қарашларни янгилаш, ўзимизга хос ва мос таълим тизимини барпо этиш ниҳоятда долзарб вазифалардан бири эди. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов томонидан жамият ривожида таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Барча соҳалардаги сингари таълим-тарбия соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич жорий этилди. Ислом Каримов ташабbusи билан дунёга келган таълимнинг “ўзбек модели” халқаро миқёсда ҳам энг обрўли мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Бугун қўлга киритаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг омили ва замини бўлган, ҳаммамизни, аввало, болаларимизнинг онгу тафаккүрини, ҳаётга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлди. Эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган ва ҳаётга қарайдиган, Ватанимиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида майдонга чиқаётган бугунги ёш авлодимиз айни шу дастурларнинг, биз амалга ошираётган тарбиявий ишларимизнинг маҳсули, ижобий маънодаги “портлаш эффиқти”нинг натижаси бўлди.

Давлатимиз томонидан фарзандлар камолоти йўлида қилинган хайрли ишларни санаб адогига етиб бўлмайди. Истиқтолнинг дастлабки йилларида экилган навниҳол кўчатлар бугун ўз мевасини бера бошлагани ҳам айни ҳақиқат. Бу эзгу тадбирлар, ислоҳотлар янада қатъият ва изчиллик билан

давом эттирилмоқда. Бироқ миллат равнақи, халқ фаровонлигига эришишда факат давлатнинг саъй-ҳаракатларигина кифоя қилмайди. Бунинг учун юртмизнинг ҳар бир фуқароси қайси соҳа вакили ва ким бўлишидан қатъий назар, ўзининг бунёдкорлик салоҳиятини ишга солиши, ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етиши, бу жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши лозим.

Мазкур дастурда жамият ривожи ва таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг методологик асослари Ислом Каримовнинг: “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура”, “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” “Юксак маънавият–енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш”, “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”, “Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди”, “Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир” ва бошқа асарлари ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўстувор йўналишларига бағишланган маъruzalari баён этилган<sup>2</sup>.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарларида жамият ривожланиши, ижтимоий хаёт асослари ва таълим-тарбияга доир янгича гоя ва қарашларининг илмий асосланганлигини кўрсатишдан иборат. Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларини таълим ва тарбия жараёнларини ташкилий методологик асослари ҳақидаги

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тўла асарлар тўплами 1-23 жиллар. –Тошкент: Ўзбекистон. 1996-2015.

билимларини такомиллаштириш, жамият ривожланишига доир ҳамда таълим-тарбия жараёнига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги айрим муаммолар ва камчиликларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш кўникма ва малакаларини, янгича онг ва дунёқарашни таркиб топтиришдан иборат

**“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” модулининг вазифалари:**

- жамият ривожланишига доир янгича ғоя ва қарашларни илмий асосланганлигини ёритишдан иборат;
- жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг методологик асослари мазмун ва моҳиятини тўғри идрок этиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш;
- тингловчиларнинг Ислом Каримов асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг методологик асосларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- жамият ривожи ва таълим-тарбия жараёнларига тегишли давлат раҳбарининг концептуал ғояларини жорий этишнинг таъсирчан ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;
- бозор муносабатларига ўтишда халқимизга ва жамиятимизга хос миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳисобга олинганлигига эътибор қаратиш;
- демократик жамият ривожланишининг шарт-шароитлари, глобаллашув, таълим-тарбия соҳасидаги айрим муаммоларни таҳлил этиш.

### **Модул бўйича қўйиладиган талаблар**

**“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

#### **Тингловчи:**

- демократик жамият;
- ҳуқуқий демократик давлат;

- жамият ривожини цивилизацион тушуниш;
- жамият ривожида маънавий ва моддий хаёт уйғунлиги;
- онг ва тафаккурнинг ўзгариши;
- глобаллашув;
- таълим-тарбия тушунчаси;
- таълим-тарбия турлари;
- жамият ривожи ва таълим-тарбиянинг алоқадорлиги;
- таълим-тарбия жараёнини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларининг яратилиши;

- таълим-тарбия жараёнига тааллукли норматив-хуқуқий хужжатларга қатъий амал қилиш унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти эканлиги ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

#### **Тингловчи:**

- олий таълимда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадининг миллий манфаатининг мазмун ва моҳиятини англаб этиш ҳамда мазкур жараёнда фаол иштирок этиш;
- миллий мағкурани ёшлар онгига сингдирувчи амалий тарбияни йўлга кўйишида фаол қатнашиш;
- миллий таълим-тарбия муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини замон талаби нуқтаи назаридан тахлил қилиш;
- миллий таълим-тарбия жараёнига бугунги глобаллашув ва ахборот асри саналмиш тезкор давр талабларидан келиб чиқиб, халқаро илғор тажрибаларни татбиқ этиш;
- давлат раҳбари томонидан таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифаларни амалиётда қўллаш **кўникмаларини эгаллаши**;

#### **Тингловчи:**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарлари асосида:

- таълим-тарбия жамият ривожининг муҳим омили эканлигини англаш;
- глобаллашув ва ижтимоий маънавий ҳаётнинг ўзаро уйғунлигидан

амалда тўғри фойдаланиш;

- таълим-тарбия жараёнидаги муаммоларни аниқлаш;
- таълим-тарбия жараёнига тааллуқли норматив-хуқуқий ҳужжатларни билиш;
- давлат раҳбари асарларининг моҳиятидан келиб чиқиб таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- давлатимиз раҳбарининг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маъruzalарида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларни амалиётга татбиқ этиш **малакаларини эгаллаши**;

#### **Тингловчи:**

- олий таълимнинг кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш жараёнига ўз ҳиссасини қўшиш;
- олий таълим тизимида бугунги давр талаби нуқтаи назаридан норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- ёш авлод тарбиясини ҳаётий тажрибалар ва миллий менталитет асосига қуриш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида амалга ошириш;
- жамиятни юксалтириш ва таълим-тарбия жараёнларига миллий ва умуминсоний манфаат нуқтаи назаридан норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида хулосалар бериш;
- республикамиз Биринчи Президенти асарларида жамият тараққиёти ва таълим-тарбия масалаларида белгиланган вазифалар асосида малака ошириши лозим.

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” курси маъруза машғулотлари шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, савол-

жавоб, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” модули мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг мамалакатимиз раҳбарининг асарлари бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар И.А.Каримовнинг жамиятни юксалтириш ва таълим-тарбия масалаларига доир концептуал ғояларининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий-фалсафий асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий малакага эга бўладилар.

## МОДУЛ БҮЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Аудитория ўқув юкламаси			жумладан		
		Хаммаси	Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	Мустақил таълим
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар	2	2	2	-	-	-
2.	Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси: ижтимоий хаётда амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар	2	2	2	-	-	-
<b>ЖАМИ</b>		<b>4</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. (2 соат)**

Мустакил демократик тараққиёт ва жамият ривожининг ғоявий асослари. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғояларини илмий асосланиши. Жамият тараққиётини цивилизацион тушуниш. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги. Инсон омили. “Онг ва тафаккур ўзгармаса ҳаёт ўзгармайди” (И.Каримов). Демократия моделларининг хилмадиллиги, “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари, асосий принциплари. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, устувор вазифалари.

### **2-мавзу: Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси: ижтимоий ҳаётда амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. (2соат)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш тўғрисида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили. Халқ қабулхоналари ва вертуал марказларнинг ташкил этилишининг аҳамияти. “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ” эканлиги. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор вазифалари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар ва ривожланиш истиқболлари. Ёшларнинг Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётидаги ўрни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи”ни ташкил этиш тўғрисида.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича ўқитишни маъруза, ўзаро мулоқот шаклидан фойдаланилади:

Машғулотлар замонавий янги маълумотлар, замонавий техника ҳамда технологиялар билан таништириш, назарий билимларини мустаҳкамлаш;

## БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл 2,5	Баҳолаш мезони		
			"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топширикларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топширикларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Машғулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» усули**

<b>Ақлий ҳужум</b>	-(брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йифиши
<b>Усулни асосий ғояси</b>	-ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил килиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-харакати учун бу ғоя асосий қўрсатгич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф килишга ундаиди.
<b>Қоидалари</b>	Имкони борича қўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
<b>Таълим берувчи</b>	Қатнашчиларни 3-4 гурӯхга бўлади ва хар бирига муаммолар таклиф этади ( <b>Илова 1</b> ) -Иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); -юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид килишдан кайтариб туради; -хар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; -талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шударсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказади (блиц сўров) ( <b>Илова 2</b> ).
<b>Фидбэйк</b>	-хар бир ғояни мухокама қилиш; -энг тўғри ғояларни қўллаб-кувватлаш

## **Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари**

### **Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:**

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш қўникмасини шакллантириш.

### **Ақлий ҳужум қоидалари:**

- ғояларни илгари суримиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қиласи, синтез қиласи, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қиласи” деган қоидасига амал қилиш.

### **Натижа:**

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

## **1. Ўқув топшириқларини бажариш бўйича вазифалар**

Гуруҳни Зта кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ учун 5 тадан савол тарқатма материал сифатида тарқатилади.

Изоҳ: Қайсиdir гуруҳ тўла аниқ жавобни биринчи бўлиб топса гуруҳни ҳар бир аъзосига 1.0 баллдан баҳо қўйилади. Агарда гуруҳдан 1 ёки 2та талаба тўғри жавоб топса у холда уларга 1.0. баллдан рағбатлантирилади.

### **Мавзу бўйича 1-гуруҳ саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов асарларида жамият ривожланиши тўғрисидаги янгича ғоялар
2. И.Каримов асарларида демократик жамият ривожланишининг илмий асослари
3. Жамият ривожланишига формацион ёндашувнинг чекланганлиги
4. Жамият ривожланишида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигининг асосланиши
5. Мустақиллик ва жамият ривожланишининг янги назарий концептуал асосларининг ишлаб чиқилиши
6. Мустақиллик ва жамият иқтисодий негизларининг тубдан ўзгариши
7. Жамият ривожланишида мафкуралар ва фикрлар хилма-ҳиллигининг аҳамияти
8. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор вазифалари

### **Мавзу бўйича 2-гуруҳ саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳатларни изчил давом эттирилишининг зарурлиги тўғрисида
2. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик.
3. “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ” эканлиги.
4. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор вазифалари.
5. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар ва ривожланиш истиқболлари. Янги иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши.
6. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили.
7. Халқ ва вертуал қабулхоналарнинг ташкил этилиши
8. Ёшларнинг Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва фаол иштирокини таъмилаш омиллари

### III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

#### 1-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АСАРЛАРИДА ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ДОИР ЯНГИЧА НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ ФОЯЛAR.

##### **РЕЖА:**

- 1.1. *Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожи*
- 1.2. *Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал гоялар ва унинг асосий кўринишлари*
- 1.3. *Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириши ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепциясининг устувор вазифалари*

**Таянч иборалар:** Миллий гоя, цивилизацион ёндашув, онг ва тафаккур ўзгариши, ижтимоий ҳаёт асослари, демократия ва жамият ривожланиши модулларининг хилма-хиллиги, Ўзбек модели, маънавий ва моддий ҳаёт уйғулиги, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиши, ахборот соҳасини ислоҳ қилиши, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг асосларини янада тақомиллаштириши, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириши ва ривожлантириши, демократик бозор ислоҳатларини амалга ошириши ва иқтисодиётни янада либераллаштириши.

##### **1.1. Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожи.**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёsat арбоби. Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожланиш қонунларини асослаб, асарларида муҳим назарий-концептуал ғояларни ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида жамият ривожланиши тўғрисида янги назарий ва концептуал ёндошувнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. Буни ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишида ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Жамият ривожланиши тўғрисидаги

янгича илмий назарий қарашлар ва ғоялар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти тўла асарлар жилдида<sup>3</sup>, шунингдек унинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва бошқа асарларида унинг илмий асослаб берганлигини қўрамиз. Жамият ривожланиши тўғрисидаги янги назарий ғоялар жамият ривожланиши бўйича мавжуд бўлган анъанавий қарашлардан тубдан фарқ қиласи. Жамият ривожланиши тўғрисидаги қарашларнинг янгича илмий асосларга қўйишни тақозо этган шарт-шароит ва омилларни мустақиллик ва мустақил демократик тараққиёт йўлини танлаш, давр ва замон ўзгаришлари ва янгича талабларидан келиб чиқсан ҳолда тўғри тушуниш ва талқин этиш мумкин.

Демак, мустақиллик ва жамият тараққиёти тўғрисидаги қарашларни ўзгартириш зарурлиги Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидан ривожланиши ўзига хос ва мос тараққиёт моделини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Мустақил тараққиёт мамлакатни ўз негизида ривожланишини таъминлаш учун тегишли шарт-шароит ва омилларни яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида жамият ривожланиши қонуниятлари, шарт-шароитлари ва омилларига амал қилиб келинган турли хил қараш ва ёндошувларга нисбатан янгича концептуал ғоялар асослаб берилди ва ишлаб чиқилганлигини қўйидаги ғоялар орқали кўриш мумкин:

“Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”<sup>4</sup> – деб таъкидлайди И.Каримов. демак жамият ривожланиши тўғрисидаги қарашларни ўзгартириш жамият ривожланиши билан боғлиқ коммунистик ғоя ақидалардан воз кечиш замон ўзгаришларини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилади. Ва мавжуд анъанавий қарашларни ўзгаритириш билан боғлиқ ғоялар ва қарашлар ўртага ташланади.

---

<sup>3</sup>Каримов И. Тўла асарлар жилди. 1-23 жиллар. Т. Ўзбекистон. 1996-2015.

<sup>4</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон мутакилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, - 2011.

## Жамият ривожланиши түғрисида мавжуд бўлган анъанавий қараш ўзгарди. Уни қуидаги йўналишларда кўриш мумкин

Жамият, жамият ривожланиши тушунчаларига янгича қараш амалга оширила бошланди. У материалистик диалектика қолипидан, принципларидан халос этилди

Жамият тараққиёти фақат моддий ишлаб чиқаришга боғлиқ деган ғояга янгича қарашга асосланилди. Формацион қарашдан воз кечилди. Жамият тараққиётига цивилизацион ёндошув амал қила бошлади;

Жамият тараққиётига синфий қарашдан воз кечилди. Жамият ривожланишида инсон омилига – олий қадрият сифатида қарала бошланди

Жамият ривожланишини инсон ва онги тафаккурига боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор берила бошланди. “Онг ва тафаккур ўзгармаса ижтимоий ҳаёт ўзгармайди” (И.Каримов) деган ғоя илгари сурилди ва илмий асослаб берилди

Жамият иқтисодий негизи ўзгартирилди. Бозор иқтисодиётига асосланган мулкнинг хилма-хиллигига ўтилди.

Жамият ривожланиши “маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги”<sup>1</sup> билан боғлиқ қонуниятга амал қила бошлади.

Бу янгича ғоя ва қарашлардаги ўзгаришларни олдинги қарашлардан тубдан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки жамият ривожланишига формацион қараш жамият ривожланиши қонунларини илмий асосда холисона ўрганиш имкониятини бермайди. Яъни жамият ривожланиши фақат моддий ишлаб чиқаришга боғлаб бир томонлама таҳлил этилади. Бу оҳир оқибатда жамият тараққиётини “материалистик” ёки

“моддийлик” нуқтаи назаридан тушунишга олиб келди. Маънавий омилнинг роли эса ҳисобга олинмади. Жамият ривожланишига формацион қараш ғояси уни бир чизиқли тушунишга асосланади. Тараққиёт моделлининг ҳилма-хиллигига асосланади. Ислом Каримов асарларида жамият ривожланишини формацион қарашнинг чекланганлиги “бундан кейин капитализм ҳам йўқ социализм ҳам йўқ” деган фикрлари орқали унинг моҳиятини аниқ тасаввур этиш мумкин. Шунингдек жамият ривожланишини инсон омилига ҳам боғлиқлиги бу асосан инсон онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар орқали илмий асослаб берилганки, жамият ривожланиши қонунларини тўғри тушунишга илмий-назарий жиҳатдан ёрдам беради.

Республикамиз Биринчи Президенти Ўзбекистоннинг туб ўзгаришига бағищланган концептуал ғоялар қаторида халқимиз ва жамиятимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинишининг асослаб берилганлиги бўлди. У шундай таъкидлайди “Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти бу муаммоларни хал этишга алоҳида ёндошувни тақазо этади. Турмуш шароити ва тарзининг миллий хусусиятлари Шарқ маънавиятига мансублик ҳам шуни талаб этади”. Айни пайтда у ана шу ўзига хос қуидаги хусусиятларни аниқ кўрсатиб берган<sup>1</sup>:

## **1.2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар ва унинг асосий кўринишлари**

Жамият ривожланиши тўғрисидаги янгича илмий-назарий ғояларнинг ўзгариши ижтимоий ҳаёт соҳаларини тубдан ўзgartiriш билан боғлиқ. Бу И.Каримов асарларида “Ўзбекистонни мустақил тараққиёт йўлидан ривожланиши” ҳамда “ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлидан борамиз” ва “ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз” ғоя ва мақсадларида орқали аниқ ифодасини топади. Ва жамият ривожланиши бунинг учун муайян ўтиш даври ва тараққиёт босқичларини босиб ўтиш зарурлиги, моҳияти асослаб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, - 1999, 10-15 бетлар.


берилади. Жамият ижтимоий ҳаёти соҳаларидаги туб ўзгаришлар деганда унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий ғоявий асосларини тубдан ўзгартириш ва янгича асосга (негизга) ўтказилишини англатади.

Натижада мустақиллик туфайли жамият ижтимоий ҳаёти соҳалари тубдан ўзгарди. Унинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрамиз. Унга кўра “**Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас**”<sup>5</sup>.




<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 12-модда. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

## **Сиёсий соҳадаги туб ўзгаришлар:**



## **Ғоявий мағкуравий соҳадаги туб ўзгаришлар:**



## Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги туб ўзгаришлар

Бозор иқтисодиётига асосланган мулкнинг хилмачиллигига ўтилди;

Хусусий мулк тан олинди

Барча мулк шакллари teng эканлиги эътироф этилди, унинг хукуқий асослари яратилди

Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Жамиятнинг иқтисодий негизи” бобида хукуқий жиҳатдан ўзининг асосига эга. Унга кўра: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг хукуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг teng хукуқлиигини ва хукуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”<sup>6</sup>, деб белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда ўрта мулкдорлар қатламини ривожлантиришга, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган институционал ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга катта эътибор берилмоқда<sup>7</sup>.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 53-модда. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

<sup>7</sup>И.Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияданинг очилиш маросимидағи нутқидан. Халқ сўзи. 2012 йил 15 сентябрь.

**Ўзбекистонда жамият ҳаёти соҳаларида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида ўтган 25 йил муҳим ютуқларга эришилди. Уни қуидаги рақамлар орқали қўриш мумкин**

Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 9 баробар, аҳоли реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенция миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи 18 баробарга ошли

Ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд;

Ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланади

Одамларнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайди

Уй-жой кўрсатгичи 2 баробар ошли

Оилаларнинг 98.5 % ўзининг шахсий уй-жойи, ёки қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97.5% шахсий томорқасига эга

Ўзбекистон охирги 7 йил давомида ўртача 8-8.5% иқтисодий ўсишга эришди

## **Ислом Каримов асарларида жамият ривожланиши босқичлари қуидагича асослаб берилган.**

1989-1991 йиллар - Мустақиллик остонаси

1991-2000 йиллар - Ўтиш даври босқичи

2000-2007 йиллар - Мамлакатни модернизациялаш

2007 йилдан хозиргача - Мамлакатда демоқратаик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш босқичи

Бу босқичлар жамият ривожланишида ўзига хос маъно-мазмунга эга. Ва мустақил тараққиёт йўлида амалга оширилган муҳим ўзгаришлар билан характерланади. Масалан, 1989-1991 йилларда, яъни Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасидаги ўзгаришларни қуидагиларда кўриш мумкин:

- ▶ 1989 йил 21 октябрь ўзбек тилига “Давлат тили” мақоми берилди;
- ▶ Наврӯз – умумхалқ байрами сифатида эълон қилинди ва б.
- ▶ 1990 йил 24 март Президентлик лавозими жорий этилди;
- ▶ Мустақиллик декларацияси қабул қилинди;
- ▶ 1991 йил 31 август Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди;

Жамият тараққиётидаги туб ўзгаришларни амалга ошириш, ривожланиш қонунияти нуқтаи назаридан ёндошганда муайян ўтиш даврини зарурлигини тақозо этади. Бунда 1989-1991 ва 1991-2000 йилларни ҳисобга олиш зарур

“Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди”<sup>8</sup>.

Ўтиш даврида авваламбор,

Миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий асоси яратилди:

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди;
- ▶ Давлатчиликнинг маъмурий буйруқбозлиқдан бошқарувидан демократик бошқарувга ўтишнинг заминлари яратилди;
- ▶ Ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратилди;
- ▶ Суд ҳокимияти тизими шакллантирилди;
- ▶ Миллий хавфсизлик органлари шакллантирилди;
- ▶ Қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилинди, ғалла мустақиллигига эришилди;
- ▶ Бозор иқтисодиётининг асослари яратилди;

Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизими шакллантирилганлиги ва бошқалар билан асосланади. Ўзбекистон жамияти ўтиш даври вазифаларини амалга ошириб, жамият ижтимоий ҳаёти соҳаларида ўз негизида ривожлана бошлайди.


Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида тараққиёт моделларининг хилма-ҳиллиги, тараққиётнинг “Ўзбек модели” асослаб берилган. Бунда “тараққиёт” тушунчасининг маъно-мазмунига алоҳида эътибор бериш лозим. Тараққиёт бу- такрорланмас, маълум бир мақсадга йўналтирилган ҳамда моддий ва маънавий ҳаёт соҳаларининг ҳуқуқий ўзгариши, янги сифатларга яратишга олиб келувчи фалсафий категориядир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида тараққиётнинг якка-ю ягона модели йўқ деган ғоя илгари сурилади.


---

<sup>8</sup>Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикасини 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.– Т.2007.

Демократия моделларининг хилма-хиллиги асослаб берилади. Тараққиёт моделлари хилма-хиллигини эътироф этиш муҳим демократик принцип ҳисобланади. Аксинча уни эътироф этмаслик, демократиянинг моҳиятига зид ҳодисадир. Чунки ҳар қандай умуминсоний ҳодиса миллий негизда ривожланади ва амалга ошади. Бу ҳар бир халқнинг миллий маънавий мероси хусусиятлари, тафаккур ва турмуш тарзи билан бевосита боғлиқдир.



## Тараққиётнинг бир текис эмаслиги омиллари



Тараққиёт моделининг хилма-хиллигига “модель” тушунчаси тараққиёт, андоза, ривожланиш маъносини англатади. Бугунги дунё тараққиётида жамият ривожланиши билан боғлиқ турли хил моделлар эътироф этилган.

- ▶ “Европа модели”
- ▶ “Хитой модели”
- ▶ “Япония модели”
- ▶ “Швеция модели”
- ▶ “Америка модели” ва ҳаказоларда кўриш мумкин.

“Ўзбек модели” эса ана шу жамият ривожланишининг ўзига хос кўринишидир ва ривожланишнинг ўзига хос йўлидир. Бу И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон бозор иктисолиётига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида атрофлича асослаб берилган. “Ўзбек модели” қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

1. Иктисолиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги;
2. Давлат – бош ислоҳотчи;

3. Қонун устуворлиги;
4. Кучли ижтимоий сиёсат;
5. Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Ўзбекистон жамиятининг ривожланишида эришилаётган ютуқларни “Ўзбек модели”да белгилаб берилган тамойилларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустақиллик туфайли жамият иқтисодий негизи ягона коммунистик ғоянинг таъсиридан халос этилганлиги иқтисодиётни сиёсатдан устуворлигини амалда таъминланаётганлиги иқтисодий хаётдаги ўзгаришларни муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик туфайли давлатга қараш тубдан ўзгарди. Ислом Каримов асарларида давлат бош ислоҳотчи эканлиги алоҳида таъкидланади. Натижада собиқ совет даврида амал қилган “давлат-жамият-инсон” тизими ўрнида “инсон-жамият-давлат” тизимига ўтилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу орқали инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устуворлиги аниқ белгилаб кўйилди. Давлатнинг ҳукмронлигига барҳам берилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида жамият ривожланиши билан боғлиқ бўлган унинг қонуний асосларини яратишида ҳамда қабул қилинган қонунларнинг ижросини назорат этишда бош ислоҳотчи ролини ўйнамоқда. “Ўзбек модель”да қонун устуворлиги муҳим тамойили ҳисобланади, унга кўра қонун олдида барчанинг баробар эканлиги ўзининг аниқ ифодасини топган. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда “кучли ижтимоий сиёсат” тамойилига амал килиб келинмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламлари давлат томонидан ҳимоя қилинмоқда ва ижтиоий қўллаб-қувватланмоқда. “Ўзбек модель”да ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойили жамиятнинг тадрижий ривожланишини таъминлашга хизмат қиласи. У турли инқилобий ўзгаришларни амалга оширишни эътироф этмайди. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларда унинг натижаларини кўриш мумкин.

1. Бизнинг максадимиз эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш;
2. Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги мэрраларни эгаллашимиз керак?
3. Тарих – бамисоли кўзгу;

4. «Ўзбек модели» амалда ўзини оқлаган, ёруғ истиқболимизни белгилаб берган тараққиёт йўли;
5. Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади;
6. Ободлик кўнгилдан бошланади;
7. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт;
8. Ҳалқимизга тинчлик ва омонлик керак

Мамлакатимиз Биринчи Президенти томонидан олиб борилган ислоҳатлар натижасида, “мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охирги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртacha йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда...

Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда”<sup>9</sup>.

Хуроса қилиб айтганда, **биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида жамият ривожланиши тўғрисидаги ғоялар ва қарашлар янгича маузумун-моҳиятга эга бўлган концептуал ғоялар асослаб берилди. У анъанавий қараш ва ёндошувлардан моҳияти жиҳатидан фарқ қиласди;

**Иккинчидан**, жамият ривожланиши объектив қонуниятларга эга. Уни ифодаловчи омилларни аниқлаш жамият ривожланишини тўғри белгилашга хизмат қиласди. Ривожланиш жараёнларида бирон-бир омилни мутлоқлаштирасликка, уни айрим сиёсий ва ягона мафкура, мақсадлардан холис бўлишга ёрдам беради;

---

<sup>9</sup> Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутки. Ҳалқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь. 179 – сон.

**Учинчидан**, жамият ривожланиши муайян тараққиёт босқичларини ўз ичига олади. Ўзбекистон жамияти ривожланишида бу тарққиёт босқичлари ижтимоий ҳаёт соҳаларида турган турли вазифаларни амалга ошириш билан бир-биридан фарқ қиласди;

**Тўртинчидан**, янги жамият қуришнинг ягона “модели” йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятлари ва тараққиёт даражаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган “модел”гина самарали “ишлаши” мумкин.

**Бешинчидан**, жамият ривожланиши турли хил ривожланиш моделларига эга бўлади, бу демократик принципларга тўла мос келади. Айни пайтда миллий ва жамият тараққиётининг мавжуд хусусиятларини ҳисобга олинишини ҳам тақазо этади. Бу ўз навбатида халқнинг янги жамият қуришга ислохотлаштиради ва бирлигини мустаҳкамлайди.

### **1.3. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор вазифалари**

Демократик жамият қуриш вазифаларини амалга ошириш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини ўз ичига олади ҳамда унинг муҳим шарти ҳисобланади. Яъни биз демократик жамиятни хуқукий давлатсиз ва фуқаролик жамияти инстиутларисиз тасаввур эта олмаймиз. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов **хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини демократик жамиятнинг икки қаноти ёки унинг муҳим шарти эканлигини алоҳида таъкидлайди**.

## **Демократик жамият ривожида қуйидаги тушунчаларнинг маъно- мазмунига алоҳида эътибор қаратиш лозим**



### **Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:**

- Қонун устуворлиги;
- Ҳуқуқнинг устуворлиги принципи;
- Тенглик принципи;
- Сиёсий инситутлар хилма-хиллиги;
- Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи;
- Ҳокимиятни ташкил этишда демократик сайлов ўтказиш принципларига асосланиш.

Шунингдек, адолатли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш асосий вазифадир.

Шу билан ҳуқуқий бўлмаган давлатдан тубдан фарқ қиласди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарининг “Демократик институтларини ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш” номли бобида унинг моҳияти ва мақсад ва вазифаларини аниқ кўрсатиб беради.

Фуқаролик жамияти – фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаши ҳамда фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишидир.

Фуқаролик жамиятига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов қўйидагича таъриф беради: “**Фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади.** Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласди, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт”<sup>10</sup>. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясининг моҳияти қўйидагалирдан иборат:

**Биринчидан,** мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигининг тобора юксалиши;

**Иккинчидан,** жамият ҳаёти ва бошқарув тизимларининг иқтисодий заминлар асосида такомиллашуви;

**Учинчидан,** ҳокимият тармоқларининг эркин фаолия кўрсатиш имкониятларининг кучайиши ва айни пайтда ўзаро тийиб туриш тамойилининг амал қилиши;

**Тўртинчидан,** фуқароларнинг давлат олиб бораётган сиёсатга нисбатан ишончнинг мустаҳкамлиги ва уни қўллаб-қувватланиши кабилардир.

**Кучли фуқаролак жамиятининг асосий белгиси фувароларнинг қонунга итоат қилиши ҳаёт тарзига айланиши, уларнинг қонун билан ҳаёт кечиришининг амалиётга айланганлигидадир.**

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари - Хавфизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 151-б.

Фуқаролик жамиятининг муҳим хусусиятлари қаторида сиёсий партиялар, жамият ташкилотлари ва фуқаролик инситутларининг эркинлигининг таъмилланганлиги ҳисобланади.

Демократиянинг сифати партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл-йўриқларининг ўзига хослиги, ижтимоий манбаатлар ийғиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмаслиги лозимлигига эътибор қаратилади. Унга кўра сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлиги йўлида жамоатчилик фикрини шакллантирувчи оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Республикадаги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шартшароитлар оммавий ахборот воситалари олдига мутлақо янги, шу пайтгача нотаниш бўлган вазифаларни қўймокда.

Ҳозирги пайтда жамият ҳаёти ва фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг ролини фаоллаштириш қуйидагиларда ўз аксини топади:

**Биринчидан**, оммавий ахборот воситалари имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш зарур.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва, муҳими, инсон ҳамда жамият манбаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқиш, ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усусларини ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш зарур.

**Иккинчидан**, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга

солувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш муаммоси ҳам долзарб бўлиб бормокда<sup>11</sup>.

Энг асосий ижтимоий институт бўлган мулкка (асосан, хусусий мулкка) муносабатнинг ўзгариши бутун жамиятни ва, хусусан, иқтисодий ҳаётни демократиялашнинг бош бўғини бўлди. Жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали ўтади.

Ислом Каримов инсоният минг йиллар мобайнида ишлаб чиқкан демократик қадриятларни тўла-тўқис ўзлаштириб олиш жамиятда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти эканлигини тъкидлаб, “демократия” тушунчасини қўйидагича ёритилади. Умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилинганда эса демократия - халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади.

Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Улар қўйидагилардан иборат

1. Халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги
2. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши
3. Оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир

<sup>11</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари - Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 151-б.

“Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, - деб таъкидлайнади мазкур асарда, - демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда бўладиган иш эмас”<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги сўзлаган маъруzasida Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб беради. Улар қуидагилардан иборат:

1. Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш;
2. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш;
3. Эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш;
4. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилиш;
5. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш;
6. Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни изчил давом эттириш;
7. Демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёsat олиб бориш<sup>13</sup>.

Ислом Каримов энг **муҳим устувор мақсад** – мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга тўхталар экан, мустақиллик энг аввало ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз

<sup>12</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари - Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 151-б.

<sup>13</sup>Каримов И.А.. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август – Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, хамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш, муқаддас маънавий қадрияtlар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш эканлигини таъкидлайди.

Мустакил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, уни мамлакатни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг мезони сифатида баҳолайди.

**Иккинчи устувор йўналиш** биринчи устувор йўналиши билан узвий боғлиқ бўлиб, бу - мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Бу мезонлар ҳар доим ривожланиш ва тараққиётнинг асосий шарти бўлиб келган. Бунда экстремизм ва ашаддий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига, халқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши изчил курашиш йўлида барча имкониятларимизни ва куч-қудратимизни сафарбар қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланувчи вазифалардан биридир.

Бу борадаги ишларнинг асосий маъно-маузмуни мамлакатимизда миллатлар ва динларро тотувлик, фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг миллати ва дини, ирқива жинсига қарамасдан, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ташкил қиласди.

Шу билан бирга, И.Каримов ўз маъruzасида ички хавфсизлик муаммоларига ҳам тўхталиб, ўтмишдан салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва иллатлардан халос бўлиш, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кўринишларига қарши курашиш ва, албатта, жамиятни эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чукурлаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

**Учинчи устувор йўналиш** бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш билан боғлиқ.

Бу йўналиш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулқдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Бу борадаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш;
- миллӣ валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш;
- миллӣ валютамиз - сўмнинг барқарорлиги ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат<sup>14</sup>.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, экспорт ривожи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашнинг муҳим шарти бўлган хорижий инвестициялар, авваламбор, хусусий сармояларни жалб этиш, бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолатлар яратиш, ташқи ва ички инвестицияларни бутун иқтисодиётимизни янгилашга, олтин-валюта захираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат қиласиган етакчи тармоқларга йўналтириш катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги **тўртинчи устувор йўналиш** - бу инсон хукуqlари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни,

<sup>14</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, хамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир.

Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари - матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур. “Кисқа қилиб айтганда, - деб таъкидлайди И.Каримов, - оммавий ахборот воситалари том маънода "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилимоғи лозим”<sup>15</sup>.

Бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар қўйидагича белгиланади:

Ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмаслигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти матбуотнинг қўйидаги жиҳатларини белгилаб беради:

- эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши;
- ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши;
- одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик мухокамасига ҳавола этиши;
- ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши<sup>16</sup>.

Матбуот эркинлигининг кафолати - ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун оммавий ахборот воситалари олдида иқтисодий шериклар топиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб хизмат қиласи.

<sup>15</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

<sup>16</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

Барча оммавий ахборот воситаларига, мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериш – жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир.

Шу асосда "Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиниши ҳамда мазкур қонуннинг, мустақил нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор ва амалдорлар, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг таъсиридан самарали ҳимоя қилиши зарурлиги каби вазифалари ёритилади.

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожлангани билан бевосита боғлиқлиги, жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу эканлигини таъкидлар экан И.Каримов, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмагани таассуф билан қайд этади<sup>17</sup>.

Жамиятини янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш аввало аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлик.

Бу масалани ечишда биринчи галда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда қўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор

<sup>17</sup> И.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, хамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим.

**Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат.** Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишларига тўхталар экан, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдаги ролини алоҳида таъкидлайди. “Бошқача қилиб айтганда, - дейди Ислом Каримов, бу - "Кучли давлатдан кучли жамият сари" деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир”<sup>18</sup>.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа бориши лозимлигини таъкидлайди.

Бунинг учун авваламбор давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай вазиятда давлат тизимининг роли нимадан иборат бўлади?

Бу масалада давлатнинг роли, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва хуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи даркор.

Маълумки, қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини

---

<sup>18</sup> Ўша манба.

кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. “Биз, - дейди Ислом Каримов, - “Адолат - қонун устуворлигида” деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарур. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ”<sup>19</sup>.

Маълумки, давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирилса, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирилса, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун ҳам биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг қуч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли - марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир.

2002 йилда мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этди. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ каттагина қисми ҳудудлар томонидан назорат қилинмоқда.

Мана шу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди. Бу жараёнлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, самарали усул-услублар ва шаклларга эга бўлиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Бу масалада фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун ташкилий-хуқуқий механизmlарни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий

<sup>19</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, хамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунга зарурый ўзгартишлар киритиш, "Ижтимоий жамгармалар тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида", "Хайрия фаолияти тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эганлиги кўрсатилади.

Суд-хукуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш **олтинчи устувор йўналишдир**. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-хукуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирchan фаолиятини амалда таъминлашдир. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. "Қаерда суд мустақил бўлмас экан, - дейди И.Каримов, - шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар"<sup>20</sup>.

Қонун устуворлигини, инсоннинг хукуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда юридик-хукуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиш долзарб масаладир. Чунки айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг хукуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда ахолининг хукуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиз.

<sup>20</sup> Каримов И.А.. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

Бу вазифаларни амалда таъминлашда даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

**Еттинчи устувор вазифа** - бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир.

Бу - демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир.

Ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқа қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътиrozларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозим.

“Юртимиздаги ҳар қайси вилоят, шахар ва қишлоқларимизда шу соҳага атрофлича эътибор берар эканмиз - ҳеч шубҳасиз, аҳолимизнинг, халқимизнинг бунга жавобан миннатдорлигига ва сиёсатимизни қўллаб-қувватлашига эришган бўламиз, -деб таъкидлайди И.Каримов”.

Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, Ислом Каримов қўйидагиларга эътибор қаратади: “Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиласиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадрияtlар турмоғи керак”<sup>21</sup>.

И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва 2010 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

<sup>21</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август - Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, хамкорлик йўли. Т.11. – Т.: 2003.

концепцияси” сида янги жамият қуришга доир ўз концептуал назарий қарашларида бу соҳадаги миллий меросга муҳим аҳамият берилади. Унда куйидаги устувор вазифалар белгилаб олинади:

- Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
- Суд-хуқуқ тизмини ислоҳ қилиш;
- Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;
- Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;
- Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш
- Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.<sup>22</sup>

Концепцияда таъкидланган, демократлаштириш жараёнида долзарб характерга эга бўлган суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш мамлакатни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналиш сифатида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, яъни ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини бергани, прокурорлик ва адвокатура институтларини такомиллашиши, айниқса, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг Президентлик республикаси шакли. Президентлик институти – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасида белгилаб қўйилган.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини

<sup>22</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 8-54 б.

таъминлаш йўналишида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» қонун қабул қилиш зарурияти масаласининг қўйилиши, аввало, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгайтириш, бошқарув органлари қабул қилаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ошириш ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қабул қилиш тартибларини белгилаш, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечеётган воқеа ва ҳодисалар хусусида фикрлар химла-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминланиши масалаларининг алоҳида таъкидлаб ўтилиши бошқарувни демократлаштиришнинг янги хусусиятлари таркиб топишига хизмат қиласди.

Инсоният тараққиётида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масаласи, уни амалга оширишнинг турли хил шакллари билан боғлиқ ҳолда ҳар хил ечим топиб келган.

Давлат жамият тараққиётининг муайян босқичида ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлар туфайли шаклланган сиёсий институтдир. У жамиятда турли инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, уларни фаровон, баҳтли ҳаёт кечиришларини таъминлашда муҳим ўрин тутган. Аммо бу осонликча амалга ошмаган. Жамият тарихида давлат манфаати инсон манфаатига хизмат қиласди холатлар билан бирга, аксинча, “давлат ҳукмронлиги”, бошқарувда “маъмурий буйруқбозлик” амал қиласди даврлар ҳам кўп бўлган, мустабид Совет даври бунга типик мисолдир. “Ҳокимият” тушунчаси энг универсал бўлиб, “давлат ҳокимияти”, “сиёсий ҳокимият” унинг ўзига хос кўринишидир.

Ўзбекистонда, мустақиллик туфайли, бу тушунчалар янгича маънозмазмун касб эта бошлади. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга устувор аҳамият берилди. “Инсон – жамият - давлат” тизими ҳуқуқий асосда ечим топди. “Халқ давлат

ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир”<sup>23</sup> (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 7-модда) деган норма конституцияда белгилаб қўйилди. Демак халқнинг хоҳиши-иродаси, мақсад ва манфаатларини давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширишда белгиловчи аҳамият касб этади. Бугун бу – ўзига хос ижтимоий-сиёсий макондир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2 палатадан иборат. Ўзбекистон фуқароси 25 ёшдан Олий Мажлис депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимизда, давлат ҳокимиятини демократлаштиришда, “босқичма-босқичлик” тамойилига таянган ҳолда амалга ошириш ҳаётйлиги, бунинг учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни, шунингдек омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётганлиги, давлатни бош ислоҳотчи сифатида мамлакатда барқарор, сиёсий ҳаётни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз ҳоҳиши иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли ҳисобланади.

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясининг қабул қилиниб, асосланганлиги унинг ўзига хос сиёсий мантиғидир. Демак давлат ҳокимиятини номарказлаштириш, марказий давлат ҳокимиятининг айrim ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимиятига бериб бориш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ННТда фаол иштирок этиши ва улар сонининг кўпайиб бориши, фуқароларнинг сиёсий онг ва маданиятини юксалиб бораётганлиги ўзига хос демократик муҳит яратиб бермоқда. Бу билан боғлиқ конституцион ўзгаришлар, янги қонунлар қабул қилинмоқдаки, бу давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлашиб бораётганлиги орқали ўзининг ифодасини топмоқда. Мустақиллик туфайли, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлашуви билан боғлиқ ўзгаришлар буни

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014, 4-б.

тасдиғидир. “Бунинг тасдиғини, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов, - мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ходисаларга даҳлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас”<sup>24</sup>.

Бу “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ҳам аниқ ифодасини топди. Унинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. “Давлат ҳокимиятини ва бошқарувини демократлаштириш” унинг йўналишларидан биридир. Бу пировард мақсадни – фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилганлигини англатади. Натижада фуқаролар ўзаро ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини англаб, тегишли фуқаролик институтлари орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиб бормоқдалар. Фуқаролик масъулияти ва маданияти ортмоқда. Бу “демократик жамиятнинг – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти” уйғунлигини, амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 56-моддасида куйидагича белгилаб қўйилган: “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”<sup>25</sup>.

Мамлакатимизда 2016 йилда келиб 8400 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётганини ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар қўплигини, фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этишини ҳисобга

<sup>24</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. - 7-б.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 2014, - 11-б.

олсак, уларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топаётгани ва, албатта, миллий ғоя мақсадларини кенг жамоатчиликка етказишида ўрни ошаётганини гувоҳи бўламиз. Ҳозирги пайтда 10 мингга яқин ННТ фаолият олиб бормоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда юртимида фуқаролик институтларига доир 200 дан ортиқ қонун хужжатлари мавжуд бўлиб, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти инстиутлари ривожланишига кўмаклашиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори, “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Қонун, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шерикчилик”, “Жамоатчилик назорати каби Қонунлар шулар жумласидандир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш: мустақиллик; инсон эркинлиги ва манфаатларининг устуворлиги; давлатни бош ислоҳотчи эканлиги; давлат ҳокимиятини бўлиниш принципига амал қилиши; қонун устуворлиги; хуқуқий давлат; фуқаролик жамияти интифоденинг ривожланиши; фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошиши; фуқароларнинг сиёсий онг ва маданиятининг юксалиши; сиёсий плюрализм; демократик сайлов тизими; парламент интифоденинг ривожланиши ва бошқа омиллар билан боғлиқ.

Мамлакатимзда “демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқилиши ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимзда муҳим тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Уни атрофлича ўрганиш, моҳиятини билишга яқин истиқболдаги устувор вазифаларни белгилаб олишга имконият беради.

1. “Мамлакатимзда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” демократия ва

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янгича фалсафий концепциясидир. Унда яқин истиқболда амалга оширилиши устивор аҳамиятига эга бўлган йўналишлар ўзининг ифодасини топганлиги билан характерланади. Шунингдек, тизимлилик ва таркибий функционал ёндашув аниқ ифодасини топган.

**2.** Демократик ислоҳотларни чукурлаштиришдан мақсад ҳаёт ўзгаришларига, онг ва тафаккурнинг янгиланишларига жавоб бериш, ундан орқада қолмаслиkdir. Бу хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ долзарб масалаларга жавоб топиш имкониятини беради.

**3.** Фуқаролик жамиятини қуриш мақсадларига эришишга демократик ислоҳотлар, яъни инсонни фаол иштирокини таъминлайдиган ва кафолатлаб берадиган қонунларни амалда таъминланиши орқали қадрият даражасига кўтарилишини тақазо этади.

**4.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг моҳияти миллий ғоя мақсадлари билан муштаракдир. Унга миллий ғоянинг миллий – маданий ҳамда умуминсоний тамойилларига таянган ҳолда эришилади.

**5.** Концепцияда белгилаб берилган йўналишлар ва устивор вазифалар, дунёни демократия ва демократик тамойилларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ қарашларни янада бойитади. Ўзбекистонни бу йўлда тадрижий босқичма-босқич тарзда демократик ислоҳотларни амалга ошириб бераётганлигини ҳамда унга реал ёндашиб, сиёсий ҳаётда амалий – конструктив барқарор мухит яратишга хизмат қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, **биринчидан**, мустақиллик, жамият ривожланишида янги назарий, илмий асослар И.А.Каримов асарларида ўзининг аниқ ифодасини топди.

**Иккинчидан**, давлат хокимияти, давлат бошқарувини демократлаштириш учун босқичма-босқич зарур шарт-шароит, омиллар яратиб берилмоқда. Жамият ҳаётида давлатнинг бош ислоҳотчилик роли белгиланганлиги ўзининг натижасини бермоқда.

**Учинчидан**, мамлакатда, давлат ҳокимиятини номарказлаштириш амалга ошмоқда. Демократик принципларнинг устуворлиги амалда ўзининг натижаларини бермоқда. Фуқаролик институтлари ва жамияти ривожланмоқда.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш орқали тараққиётнинг “Ўзбек модели” демократик тараққиётнинг ўзига хос йўлидан бири сифатида дунёнинг эътироф этиши эришди, бу Ўзбекистон халқининг муҳим ютуғидир.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаёт соҳаларида муҳим ютуқларга эришилди:

- иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёдга ошди;
- 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушкини 40 фоизга етказиш;
- фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бериши;
- юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани;
- ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 карра, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайгани;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улushi 56,5 фоизга етгани, айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилаётгани;
- давлат бюджетимизнинг социал соҳаларга йўналтирилган йиллик харажатлари изчил ошиб бораётганини, биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортгани;
- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан

барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмиirlар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани мустақилликни шарофатидир.

### **Назорат саволлари:**

1. И.Каримов асарларида жамият ривожланиши тўғрисидаги янгича гоялар
2. И.Каримов асарларида демократик жамият ривожланишининг илмий асослари
3. Жамият ривожланишига формацион ёндашувнинг чекланганлиги
4. Жамият ривожланишида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигининг асосланиши
5. Мустақиллик ва жамият ривожланишининг янги назарий концептуал асосларининг ишлаб чиқилиши
6. “Онг ва тафаккур ўзгармаса, ҳаёт ўзгармайди” ғоясининг жамият ривожланишидаги аҳамияти
7. Жамият ривожланиши ва ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар
8. “Ўтиш даври” ва тараққиёт босқичлари
9. Демократия моделлари хилма-хиллиги тўғрисидаги қарашлар
10. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” нинг илмий асосланиши
11. Жамият ривожланишида сиёсий соҳадаги туб ўзгаришлар ва унинг моҳияти
12. Мустақиллик ва жамият иқтисодий негизларининг тубдан ўзгариши

## **Фойдаланилган адабиётлар руйҳати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.:“Ўзбекистон”, 2017
2. Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Lex.uz
3. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жиллар. -Т.:“Ўзбекистон”, 1996-2016.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008.
- 5.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:“Ўзбекистон”, 2010.
- 6.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
- 7.Каримов И.А. Тинчлик ва ахиллик - мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир. –Халқ сўзи газетаси. 2014 йил 10-май.
- 8.Каримов И.А. Она юрт истиқболи йўлида меҳнат қилиш - энг олий саодатдир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2015.
- 9.Каримов И.А. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
- 10.Каримов И.А. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак мэррани эгаллашга қодир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
- 11.Ш.М.Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”. 2016. – 56 б.
- 12.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 48 б.
- 13.Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.

14. Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

15. Ш.М. Мирзиёев. “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суюнчимиздир” мавзусида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Халқ сўзи. 2017 йил

## **II. Maxsus адабиётлар.**

1. Гафарали М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 113-151.

2. Эшонқулов Н. Озодлик масъулияти ёхуд миллатнинг уйғоқлиги // Ҳуррият газетаси, 2015 йил 8 июль.

3. Қуронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Т.: Маънавият, 2013. – 320 б.

## **III. Интернет маълумотлари**

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
6. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
7. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
8. [www.senat.uz](http://www.senat.uz)
9. [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz)
10. [www.Huquqburch.uz](http://www.Huquqburch.uz)

**2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ:  
ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ  
ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР.**

**РЕЖА:**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев демократик ислоҳатларни изчил давом эттирилишининг зарурлиги тўғрисида.*
- 2.2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишилари..*
- 2.3. Таълим-тарбия, ёшларга оид давлат сиёсатидаги ислоҳатлар, модернизациялаш жараёнлари.*

**Таянч иборалар:** демократик ислоҳатларни изчил давом эттириши, халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари, танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, таълим-тарбия, таълим-тарбиянинг узвий боғлиқлиги, таълим-тарбиянинг демократик жамият ривожланишидаги аҳамияти, таълим-тарбияда инновация ва можернизация, ёшларни демократик жамият ривожисида иштироки.

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев демократик ислоҳатларни изчил давом эттирилишининг зарурлиги тўғрисида.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томоиндан олиб брилган ислоҳатларни изчил давом эттириш зарурлигига алоҳида эътиборини қаратди. Бу мамлакатимизда белгилаб олинган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадлари билан тула мос келади.

Конституциянинг яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида замонамизнинг буюқ давлат арбоби, улуғ йўлбошчимиз, мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизмати бекиёс эканини барчамиз яхши биламиз.

Халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараси ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни ишлаб чиқишида Ислом Абдуғаниевичнинг концептуал аҳамиятга эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий Қонунимиз лоийҳасини ишлаб чиқишида Ислом Абдуғаниевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узокни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ёш давлатимиз эндиғина оёққа туриб келаётган қалтис ва нозик бир вазиятда турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва миллатчилик каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмасди.

Асосий Қонунимизда умумэътироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди.

Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда “**Инсон ва унинг қадр-қиммати**” деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Конституциямизнинг лойиҳаси бўйича 1992 йил 8 декабрда, Олий Кенгашнинг тарихий сессиясида сўзлаган нутқида куйидаги фикрни алоҳида таъкидлаган эдилар:

**“Биз сўнгти етмиш йил мобайнида давлатга қарамлик ва сифиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган.**

**Яъни, Асосий Қонунимизга “давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деган модда киритилган.**

**Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари мукаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади”.**

Биринчи Президентимизнинг ана шу фикрлари у кишининг давлат, жамият ва инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир масалага нақадар теран ёндашганидан, шу асосда Конституциямизда энг мураккаб саволларга ҳам жавоб топиш мумкин эканидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримовни ҳақли равища Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий Қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва қоидаларини мустаҳкамлади.

Бош Қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро хужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизида юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислоҳотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти

бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоизлигини таъкидлар экан. Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш зарурлигини тақазо этишини англатади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томоиндани 2017 йил юртимида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан холда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усусларини жорий этишимиз даркор деб, ҳар бир туман ва шаҳарда “Халқ қабулхоналари”ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш йўлга қуйилди.

Бу вазифаларни амалга оширилиши инсон манфаатларини устуворлигини таъминлашга шароит яратмоқда. Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш ва инсон манфаатларини устуворлиги асосланган конституцион принципларимизга тула мос келади. Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш мақсадида республикамида янги қонунлар, қарор ва фармойишлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

## *2.2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари.*

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди, халқимизнинг муносаб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз қўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида: Президентимиз Ш.М.Мирзиёев **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини** белгилаб берди.

Улар қўйидагилардан иборат:

давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизmlарини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари

ролини кучайтириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқук тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва хуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритишига йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва ахил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилди. ҳамда ҳар бир йўналишлар бўйича амалга Ҳаракатлар стратегиясининг вазифалари белгилаб берилди. Улар қуйидагича:

## **I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари**

### **1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:**

давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтишига йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

### **1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:**

давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;

мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

«Электрон ҳукумат» тизими니 такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

### **1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:**

халқ билан мулоқотнинг самарали механизmlарини жорий этиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш.

## **II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари**

### **2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:**

судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик

бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг хуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;

судлар            фаолиятига            замонавий            ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

## **2.2. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:**

фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган хуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш;

суд, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

фуқароларнинг одил судловга тўскинликсиз эришишини таъминлаш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

## **2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:**

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш;

одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал

асосларини такомиллаштириш;

жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш;

электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

#### **2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:**

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларида қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

аҳолининг хуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

#### **2.5. Суд-хуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:**

хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият ярататгандан сабаб ва шароитларни бартараф этиш;

суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиши, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш

бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг хукуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

## **2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:**

давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқиша адвокатларнинг ролини ошириш;

нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш.

## **III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари**

### **3.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:**

макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

солиқ юкини камайтириш ва солиқса тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан

фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

сугурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

**3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:**

миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини қўпайтириш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, ЭНГ аввало,

маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

принципial жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиши, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;

хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

### **3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:**

таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, яrim тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усувларни, энг аввало, сув ва

ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

касаллик ва зааркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.

**3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш:**

хусусий мулк хуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган обьектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни фаол жалб қилиш;

корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

**3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:**

ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш

хисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш обьектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, мұхандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

#### **IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

##### **4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:**

аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оиласалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта маҳсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

##### **4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:**

аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва

имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатища давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соглом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юкори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

**4.3. Арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг хаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, мухандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:**

аҳоли, энг аввало, ёш оиласар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арzon уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;

одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, майший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий обьектлар билан таъминлаш;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш,

шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

#### **4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:**

узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмиrlаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахassisларнинг малака даражасини юксалтириш;

умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти обьектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахassisликлар бўйича

тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасалариға қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

#### **4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириши:**

жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битиравчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оиласидар учун муносаб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

**V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглики  
таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи  
сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар**

**5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро  
тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:**

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;

атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;

фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

**5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:**

давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ҳалқаро муносабатларнинг teng хуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиши;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий

фаолиятининг норматив-хуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этишдан иборат.

Демак, биринчи устувор йўналиш – 3 та; иккинчи устувор йўналиш – 6 та; учунчи устувор йўналиш – 5 та; тўртинчи устувор йўналиш – 5 та; бешинчи устувор йўналиш – 2 та таркибий қисмдан иборат.

### *2.3. Таълим-тарбия, ёшлиарга оид давлат сиёсатидаги ислоҳатлар, модернизациялаш жараёнлари.*

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хулосалар чиқариш амалий аҳамиятга эга. Глобаллашув таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимни анънавий усуллари ўрнида интефаол усулларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, глобаллашув жаарёнининг айниқса тарбия соҳасига кўрсатаётган айrim ғаразли носоғлом ғоявий-мафкуравий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, уни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида глобаллашув ва таълим тарбия масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда таълим соҳаси тубдан ислоҳ этилди, “Таълим тўғриисда”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Бу таълим-тарбияга қўйилаётган янгича талабларга ўзига хос жавобдир.

Шунингдек, глобаллашув ва таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ютуқлар ва муаммолар И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўз ифодасини топган. “Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, - дейди И.Каримов, - бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъномазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”<sup>26</sup>.

И.А.Каримов глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби ҳақида тўхталиб, уни қуидагича изоҳлайди: “Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”.

Шу маънода, глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир<sup>27</sup>.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи қучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик оғатлар

<sup>26</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 111-б.

<sup>27</sup> Ўша жойда.

пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши - табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равища кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак мэрраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва заарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз.

Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгариgidек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

“Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, - деб таъкидлайди И.Каримов, - ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”<sup>28</sup>.

**Глобаллашув** – ҳаёт суратларининг тезлашиши билан боғлиқ жараёндир. Шунинг учун ҳам бугунги глобаллашув жараёни “Глобал” - “Глобус” – “Ер шари” тизимида ҳаракатланади.

**Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга**<sup>29</sup>. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва

<sup>28</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 113-б.

<sup>29</sup> Ўша жойда.

мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши ҳаммага маълум.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радиотелевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшларни ушбу воситаларни қўлламасликка чақириш ҳам тўғри келмаслиги ушбу асарда қуидагича изоҳланади: “Биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан хеч қачон қайтмаймиз”<sup>30</sup>.

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Маънавий таҳдид, ахборот ҳуружлари, мафкуравий курашлар ва “оммавий маданият” кўринишлари глобаллашувнинг салбий жиҳатларидир.

Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заарини хеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-кудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асрар учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий.

И.Каримов тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо

---

<sup>30</sup> Ўша жойда.

сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарурлиги ҳақида уқтириб, “бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин” эканлигини таъкидлайди.<sup>31</sup>

“Барчамизга аён бўлиши керакки, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти ўз асарида, - қаердаки бепарволик ва лоқайдлик хукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча - қаерда ҳушёrlик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”<sup>32</sup>.

Айниқса, бутунги кунда ҳалқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” никоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади.

Шу борада айrim қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган худудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айrim минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш мумкин.

Ана шундай вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ҳалқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда ҳалқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлиги таъкидланади.

Юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этиш йўлида, И.Каримов яна бир масалага алоҳида эътибор қаратади. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган

<sup>31</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 115-116-б.

<sup>32</sup> Ўша жойда.

гоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини муаммосидир.

“Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлик ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва қўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган орномус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда демократик жамият қуришни амалга оширилмоқда. Бунда таълим-тарбия тизими ҳам тубдан ислоҳ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 41-моддасида “Ҳар ким –билим олиш хуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деб

белгилаб қўйилди.<sup>33</sup>

“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси” – деб таъкидаланади И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч асарида”<sup>34</sup>. “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”<sup>35</sup>.

Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган сўзлари ҳозирги вақтда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида 1997 йил 29 август куни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши мухим қадам бўлди.

Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари қуидагиларни ўз ичига олади:

- Биринчи босқич – 1997-2001 йиллар
- Иккинчи босқич – 2001-2005 йиллар
- Учинчи босқич – 2005 ва ундан кейинги йиллар.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизими ва турлари қуидагилардан иборат:

- Мактабгача таълим;
- Бошланғич таълим;
- Умумий ўрта таълим;
- Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими;
- Олий таълим;
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- Мактабдан ташқари таълим.

<sup>33</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014, - б.

<sup>34</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 62-б.

<sup>35</sup> Ўша асар. - 61-б.

Олий таълим қуидаги босқичлардан иборат бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- **Бакалавриат** – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.
- **Магистратура** – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Олий ўкув юртларидан кейинги таълим миллий таълим тизимида муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2012 йил 24 июль) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг (2012 йил 28 декабрь) қабул қилиниши муҳим ишлардан бири бўлди. Бу таълим босқичи 3 йилни ўз ичига олади.

Шакллари:

- Катта илмий ходим-изланувчилар институти;
- Мустақил изланувчилик.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисликларнинг касб билимлари ва кўнимкаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш,

хеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди.

Глобал ўзгаришлар даврида таълим-тарбияга эҳтиёж ортиб боради. Чунки ҳаёт ўзгариш суръатлари тезлашади. Бу бир томондан, турли халқлар ҳаёт соҳаларида имконият доирасида умумий жиҳатларни, қулайликларни яратиб берса, иккинчи томондан ахборот макони кенгаяди. Турли мақсад ва манфаатларга йўналтирилган ҳар хил ғоя, қарашлар, уни тарғибот қилиш технологиялари, ижтимоий онг ва тафаккурига таъсир кўрсатиш мақсадида “жозибадор”лигини оширган ҳолда самарадорликка эришиш учун ҳаракат қиласди.

Глобаллашув шароитида миллий ғоя негизларига тўғри келмайдиган “оммавий маданият” ва “ахборот ҳуружлари”, “маънавий таҳдид” кўринишидаги турли хил ёт ва заарли ғояларнинг олдини олиш, айrim ёшларда миллий-маданий мерос ва қадриятларга нисбатан писандсизлик билан қараш кайфиятини уйғотишга уринишлар, “ёшларни ва ёши улуғларни бир-бирига қарши қўйиш”, заарли ғоявий мафкуравий мақсадларни олдини олишда миллий ғоя негизларига таянган ҳолда таълим-тарбиявий ишларни олиб бориш амалий аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда миллий ғоя ва таълим-тарбиянинг узвий алоқадорлигини ҳисобга олиш ва унга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Бу, аввало, мустақиллик туфайли таълим-тарбиянинг ғоявий-мафкуравий асослари, негизлари тубдан ўзгарганлиги билан боғлиқ, яъни, таълим-тарбия соҳаси тубдан ислоҳ этилди, у ягона коммунистик ғоя принциплари, мақсад ва вазифаларидан холос бўлди. Бугун, миллий ғоя Ўзбекистон жамияти мафкураси сифатида, унинг асосий тушунча ва тамойилларига асослангани ҳолда таълим-тарбия амалга оширилмоқда.

Таълим-тарбиянинг “советча” модели ўрнида янги, яъни ҳозирги замонда таълим-тарбия соҳасида дунёда эришилган ютуқларга, ахборот коммуникация тизими, педагогик технологияларни жорий этган ҳолда

таълимни амалга оширишга, таълим соҳасига янги инновацияларни жорий этиш давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Унинг ютуқларини эса дунё эътироф этмоқда. Масалан, таълим соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикасини иккинчи ўринни олганлиги ҳам бунга далилдир<sup>36</sup>.

Мустақиллик йилларида “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ишлаб чиқилиб, янгича дунёқараш, ғоя ва мағкуралар ҳилмажиллигига асослангани шахснинг таълим даражаси ва салоҳиятини оширишга, мустақил фикрлайдиган, ижодий ёндошув маданиятига эга бўлган, янги авлод кадрларини тайёрлаш таълим-тарбия соҳасида муҳим ўрин тутади.

Уни амалга ошириш, аввало, миллий ғоя негизларига таянишни тақозо этади. Бунда миллий-маънавий мерос ва қадриятларга ҳамда ҳозирги пайтда дунёда эришилаётган таълим соҳасидаги илғор ютуқларни билиш, ундан самарали фойдаланиш орқали, тегишли кўникма ва малакани эгаллаш масъулияти ва маданиятини янги авлод вакилларида қарор топиб бораётганлиги ўзининг самарасини бериши табиий.

Улар **биринчидан**, янги педагогик технологияларни таълим-тарбияга жорий этиш, унинг моддий-техник базасини янгилаш, модернизациялаш орқали амалга оширилмоқда;

**иккинчидан**, компьютер, ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу, интернет тизими, компьютер, электрон доска, электрон дарсликлар яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятини бермоқда. Инглиз тилини ўрганиш ва билишга давлат сиёсати даражасида аҳамият берила бошланди;

**учинчидан**, таълим соҳасида амал қилиб келган эскича (анъанавий)

<sup>36</sup> Қаранг: Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 19.01.2013.

усуллардан воз кечилди. Билимни баҳолашнинг тест тизимиға ўтилди. Бу таълим соҳасида мавжуд бўлган айрим салбий ҳолатларнинг ҳам олдини олиш имкониятини бермоқда. Бу соҳада айрим эскича қараш ва ёшдошувлар сақланиб қолаётган бўлса-да, бу тизимнинг афзалигини, таълим тизимини янада янгилашга хизмат қилаётганлигини таъкидлаш лозим;

**тўртинчидан**, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашда икки босқичли тизимга ўтилганлиги олий малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлашда бир босқичли тизими жорий этилиб, докторантурा институтини амал қилиши билан меъёрлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этила бошланганлигини ҳам бу соҳада дунё мамлакатларини эришган ютуқлари, тажрибаларини ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ. Бу таълим соҳасини янада модернизациялашга хизмат қиласди.

Миллий ғоя ва таълим-тарбия тизимида айрим муаммолар мавжудлиги хисобга олиниши лозим. Булар, **биринчидан**, миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини таълим тизимиға самарали қўйиш, миллий ғоя, унинг ишонч ва эътиқодини чуқурроқ англаши орқали, уни ҳар бир ёшнинг ишонч-эътиқодига айланиб боришига эришиш билан боғлиқ. Чунки миллий ғоянинг негизларини таълим-тарбия тизимидан ажralган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Аммо ҳамма ёшларда ҳам миллий-маданий мерос ва илм-фан ютуқларига, унинг сирларини билишга интилиш бир хилда юқори эмас;

**иккинчидан**, таълимни тарбиядан айри ҳолда тушунишлар мавжуд. Бугун тарбия мамлакатимизнинг мустақил тараққиётини таъминлашдаги муҳим омил эканли глобаллашув даврида турли мағкуралар кураши давом этаётган шароитда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Бу, тегишли таълим-тарбия муассасалари ва бошқа ижтимоий институтларнинг, миллий ғоя илмий-амалий маркази, маънавият тарғибот маркази фаолиятида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларда янги замонавий технологияларни қўллашга, замон билан ҳамнафас бўлишга алоҳида аҳамият берилиши муҳим;

**учинчидан**, миллий ғоя мақсадларини ва вазифаларини таълим

тарбиянинг муҳим ажралмас қисми эканлигини, уни мустақил демократик тараққиётини, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлаш лозим.

Глобаллашув даврида таълим соҳасида дунё фан ютуқлари, технологиялардан фойдаланиш қанчалик зарур бўлса, тарбия соҳаси эса миллий-маданий қадриятларга таянган ҳолда олиб боришни тақозо этади.

Таълимда – дунёвийлик, тарбияда эса миллий маънавий қадриятларни ҳисобга олиш, ўзлигимизни янада бойиб, янгиланиб боришига хизмат қиласди. Бу таълимда янги педагогик технологияларни қўллашда ҳам ҳисобга олиниши муҳим, деб ўйлаймиз.

Бугун глобаллашув шароитида таълим-тарбия соҳасида айrim муаммолар мавжудлигини ҳисобга олиш лозим.

**Биринчидан**, таълим ва тарбиядаги айrim узилишлар билан боғлиқ объектив ва субъектив ҳолатлар, яъни таълимни тарбиядан ёки тарбияни таълимдан орқада қолиши айrim инсонлар ва ёшлар ҳаётида кузатилади.

**Иккинчидан**, тарбия жараёнида сўз ва ишнинг бир-биридан фарқ қилиш ҳолатлари мавжуд. Бу қонунга риоя этмаслик, адолат принципларини бузиш, лоқайдлик, инсонлар ҳаётига бефарқ қараш билан боғлиқ кўринишларда намоён бўлади. Бундан ташқари носоғлом маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик, таниш-билишлик ҳолатлари ҳам таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

**Учинчидан**, таълим-тарбия жарёнидаги айrim муаммолар халқимизнинг миллий маданий мероси ва қадриятларини, урғ-одат ва анъаналари билан боғлиқ ортиқча моддий ҳаражатларга йўл қўйишлар билан боғлиқ.

**Тўртинчидан**, ёшларнинг таълим олиш, билим сирларини эгаллаш, бугунги замон талабларига жавоб берадиган касб-хунарга эга бўлиш талабининг айrim ёшларнинг ҳаётида ҳисобга олинмаслик холати сақланиб қолмоқда. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга бўлган интилишнинг етишмаётганлиги ҳолатлари мавжуд.

**Бешинчидан**, глобаллашув туфайли замонавий интернет тармоқлари орқали турли ҳил сайтларда ёшларнинг ўзаро мулоқотидаги тарбияга зид бўлган носоғлом кўринишдаги муносабатларнинг шаклланаётганлиги тарбиянинг миллий маънавий негизларига тўғри келмайди.

Бунда мана шундай заарли ва ёт гояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ёшларда мустақил фикр, ва дунёқарашга эга бўлиб, заарли гояларни фарқлашлари учун гояга қарши гоя билан жавоб берса олиш маданиятини шаклланиб бориши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таълим тарбия жаарёнларида янги педтехнолгияларни қўллаш замон талабига айланди. Бу таълим жараёнини ҳозирги фан техника ютуқларидан орқада қолмаслиги учун унинг талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тарбиялашни тақозо этади. Бу ўқитувчилар олдида ҳам янги талабларни қўяди. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чуқур ҳис этиши лозим. Бу ундан мустақиллик тафаккурига ва замонавий дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёни таълим-тарбия билан ўзаро муносабатда бўлади, бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

**Биринчидан**, мамлакатимизда демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишда таълим-тарбияни тубдан ислоҳ этиш ва уни модернизациялаштириш муҳим роль ўйнайди.

**Иккинчидан**, глобаллашув даврида ўқитувчининг педагогик жараёндаги асосий вазифалари ўзгаради. Уни бошқарувчанлик фаолиятига янгича талаблар қўйилади. Бошқариш – бу йўналтириш, вазифа қўйиш, ўрганиш, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашни ҳамда маслаҳат бериш, раҳбарлик қилиш, кузатиш, талаб қилиш, қўрсатма беришлари ўз ичига олади. Таълим-тарбияда донишманд ва мутафаккирларнинг, халқимизнинг миллий маънавий қадриятларига таяниш муҳим аҳамиятига эга.

**Учинчидан**, таълим-тарбия жарёнидаги ўзгаришлар талабалар ёшлар

олдига ҳам муҳим вазифа кўяди. Улар излаш, керакли билимларни мустақил қидириб топиш, ахборот тўплаш ва уларни ишлата билишлари билан боғлик.

Умуман олганда глобаллашув даврида таълим-тарбия жараёни замон кўяётган талабларга жавоб берини, ундан орқада қолмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатимизда белгиланган демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Таълим соҳасидаги ютуклар тараққиётнинг калити бўлса, тарбия соҳасидаги ўзига хослик Ўзбекистонни мустақил тараққиёт йўлидан ривожланишини кафолатлаб беради.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzасида “Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни саклаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оиласалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз<sup>37</sup> деб алаоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ўзининг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” асарида таълим ва илм-фан, давлатнинг

<sup>37</sup> Ш.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzasi. Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь. 243-сон.

ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усусларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб, бир қатор вазифаларни амалга оширишга эътибор қаратдилар.

Биринчи вазифа – мактабгача таълим соҳасида. Очиқ тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади.

Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2 минг 200 та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади.

Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди.

Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидағи ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Болалар ва ёшларга маҳсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг маҳсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол қўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

Учинчи вазифа – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-хунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир худуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

Тўртинчи вазифа – нафақат академик илм-фанни, балки олий ўқув юртларидағи илм-фанни янада ривожлантириш.

Бу ўринда иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур:

биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт;

иккинчи – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бешинчи вазифа – китобларни чоп этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилишдир. Бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда.

Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва, айниқса, интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур.

Ана шу вазифани ҳал этишда турли дарсликларни яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштириш масалаларида идоралар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, афсуски, жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Шу ўринда ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди.<sup>38</sup>.

### **Назорат саволлари:**

1. Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш
2. Демократик жамият тушунчаси ва моҳияти

---

<sup>38</sup> Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.

3. Демократик жамият қуришда хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти
4. Хуқуқий давлат тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти
5. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясинин устувор йўналишлари
6. Глобаллашув ва таълим-тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги
7. Глобаллашув ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари
8. Демократик жамият ривожланишининг таълим-тарбия билан боғлиқлиги
9. Мустақиллик ва таълим-тарбия миллий маънавий негизлари ва демократик принциплари
10. Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар.  
Модернизация ва инновация жараёнлари
11. Жамият ривожланиши ва таълим-тарбия жараёнларида кадрларнинг салоҳиятининг ошиб бориши ва унга қўйилган янгича талаблар
12. “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили” мақсад ва вазифалари.
13. Ёшларга оид давлат сиёсати

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.:“Ўзбекистон”, 2017.
2. Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони. Lex.uz
3. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жиллар. -Т.:“Ўзбекистон”, 1996-2016.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:“Ўзбекистон”, 2010.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
7. Каримов И.А. Тинчлик ва аҳиллик - мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир. –Халқ сўзи газетаси. 2014 йил 10-май.

8.Каримов И.А. Она юрт истиқболи йўлида меҳнат қилиш - энг олий саодатдир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2015.

9.Каримов И.А. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан хеч қачон қайтмайди. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.

10.Каримов И.А. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак мэррани эгаллашга қодир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.

11.Ш.М.Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимиға бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”. 2016. – 56 б.

12.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 48 б.

13.Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.

14.Ш.М.Мирзиёев. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

15.Ш.М.Мирзиёев. “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суюнчимиздир” мавзусида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Халқ сўзи. 2017 йил

## **II. Махсус адабиётлар.**

1. Гафарали М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 113-151.

2. Эшонқулов Н. Озодлик масъулияти ёхуд миллатнинг уйғоқлиги // Ҳуррият газетаси, 2015 йил 8 июль.

3. Қуронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Т.: Маънавият, 2013. – 320 б.

## **III. Интернет маълумотлари**

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
6. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
7. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
8. [www.senat.uz](http://www.senat.uz)
9. [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz)
10. [www.Huquqburch.uz](http://www.Huquqburch.uz)

## **IV. КЕЙСЛАР БАНКИ**

### **1-кейс**

Демократик жамият ривожи ва унинг ғоявий асослари билан узвий боғлиқ. Мустақиллик туфайли жамиятнинг ғоявий асосида қандай ўзгаришлар содир бўлди. Унинг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларига таянган ҳолда асосланг.

### **2-кейс**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича ғоя ва қарашларнинг асосий йўналишларини кўрсатинг.

### **3-кейс**

Жамият ривожига цивилизацион қарашнинг афзал томонларини илмий асосланг

### **4-кейс**

И.А.Каримов асарлари асосида демократик жамият ривожининг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти билан боғликлигини тахлил этинг.

### **5-кейс**

И.А.Каримов асарлари асосида фуқаролик жамияти концепциясининг устувор йўналишларини тавсифланг

### **6-кейс**

И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч асари асосида” глобаллашув ва таълим-тарбиянинг ўзаро боғликлигини тахлил этинг.

### **7-кейс**

Сиз фаолият олиб бораётган олий ўқув юртида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар бўйича тажрибаларни ўртоқлашинг, таклиф ва тавсиялар билдиринг.

Демократик ислоҳатларни изчил давом эттиришдан кузланган мақсад нималардан иборат.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари нималардан иборат. Қиёсий таҳлил этинг.

## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Демократик жамият</b>	Демократик принципларга, инсон хуқуқ ва манфаатлари устувор бўлган, хуқукий давлат ва фуқаролик жамияти институтлари амал қиладиган жамиятдир.	
<b>Давлат ҳокимияти</b>	Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимият тизимиdir.	
<b>Кучли давлат</b>	Давлат манфаати устувор бўлган, бошқарувнинг нодемократик принципларига асосланган, ягона мулк, мафкура хукумрон бўлган, маъмурийбўйруқбозлик ва тоталитар режим устун бўлган давлат кўринишидир.	
<b>Фуқаролик жамияти</b>	Ижтимоий макон бўлиб, инсон хуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари устуворлиги принципи асосида, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишга асосланган жамиятдир.	
<b>Фуқаролик жамияти институтлари</b>	Фуқароларни тегишли ННТ, жамият бирлашмалари ва хакозолар орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокни таъминлашни устувор мақсади этиб белгилаб олган институтлар.	
<b>Номарказлаштириш</b>	Марказий давлат ҳокимияти айrim ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимиятига ва ўзини – ўзи бошқариш институтига босқичма-босқич ўтиб боришидир.	
<b>Хуқукий давлат</b>	Инсон хуқуqlари ва қонун устувор бўлган, ҳокимият бўлиниши принципига асосланган, халқ ҳокимиятнинг бирдан бир манбаи эканлиги, демократик сайлов принципларига асосланган	

	давлатдир.	
<b>Жамият ривожланишини цивилизацион тушуниш</b>	Тараққиёт ва демократия моделларининг, маданиятлар хилма-хиллигига асосланган, тараққиётда миллий ва умуминсоний демократик принциплар уйғунлигига асосланган ёндашув тизимиdir.	
<b>Жамият ривожланишида инсон омили</b>	Инсонни жамият ривожланишининг мухим шарти, инсоннинг муносабатига, тараққиётига боғлиқ деб ҳисоблаш.	
<b>“Онг – тафаккур ўзгармаса, ҳаёт ўзгармайди” ғояси</b>	Инсон онг ва тафаккурининг ўзгариши, унинг ижтимоий ҳаётига фаол таъсир кучига, бунёдкорлик хусусиятига эга эканлигини англатади.	
<b>Фуқаролик жамияти</b>	фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаши ҳамда фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишидир	

## **VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.:“Ўзбекистон”, 2017
2. Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Lex.uz
3. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жиллар. -Т.:“Ўзбекистон”, 1996-2016.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:“Ўзбекистон”, 2010.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
7. Каримов И.А. Тинчлик ва аҳиллик - мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигининг асосидир. –Халқ сўзи газетаси. 2014 йил 10-май.
8. Каримов И.А. Она юрт истиқболи йўлида меҳнат қилиш - энг олий саодатдир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2015.
9. Каримов И.А. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган ҳалқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
10. Каримов И.А. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
11. Ш.М.Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.:“Ўзбекистон”. 2016. – 56 б.
12. Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 48 б.
13. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.
14. Ш.М.Мирзиёев. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
15. Ш.М.Мирзиёев. “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир” мавзусида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Халқ сўзи. 2017 йил

## **II. Махсус адабиётлар.**

1. Гафарали М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 113-151.

2. Эшонқулов Н. Озодлик масъулияти ёхуд миллатнинг уйғоқлиги //  
Хуррият газетаси, 2015 йил 8 июль.

3. Қуронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Т.:  
Маънавият, 2013. – 320 б.

### **III. Интернет маълумотлари**

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
6. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
7. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
8. [www.senat.uz](http://www.senat.uz)
9. [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz)
10. [www.Huquqburch.uz](http://www.Huquqburch.uz)